

**Фуқаролар йиғини сайлови яқин. ҲОЗИРЛИК ҚАНДАЙ?** 4



**ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ: ЯНГИ ТАҲРИР ЯНГИ МУАММОЛАРГА ЙЎЛ ОЧМАЙДИМИ?** 5

ISSN 2010-7013

# Mahalla

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar

ШАНБА, **16 АПРЕЛЬ**, 2022 ЙИЛ **№ 15** (2049)







# ҚАҲРАМОН ХАЛҚНИНГ ҚАҲРАМОН ФАРЗАНДЛАРИ ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДА

ЭЪТИБОР БЕРГАН БЎЛСАНГИЗ, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ҚАЙСИ ВИЛОЯТГА ТАШРИФ БИЛАН БОРСА, ЭНГ АВВАЛО, ШУ ЮРТНИНГ НУРОНИЙ ОҚСОҚОЛЛАРИ ВА ЁШЛАРИ БИЛАН УЧРАШАДИ, УЛАР БИЛАН ДИЛДАН СУҲБАТЛАШАДИ. УЛАРНИНГ ТАКЛИФ ВА ФИКРЛАРИНИ ЭШИТАДИ. БУНДА КАТТА МАЪНО БОР, АЛБАТТА. ЧУНКИ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ДУЧ КЕЛГАН СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН, ЯХШИ-ЁМОННИНГ ФАРҚИГА БОРАДИГАН НУРОНИЙЛАР ЖАМИЯТНИНГ ИШОНЧЛИ УСТУНЛАРИДИР. ХАЛҚИМИЗ УЛАРГА ИШОНАДИ, ҚУЛОҚ ТУТАДИ.

2-,3-саҳифалар.

МАНЗАРА

## РАҒБАТ ВА ИБРАТГА МУНОСИБ ТАШАББУС

**Наманган вилоятидаги маҳаллалар ўзгариш ва янгиланишлар сабаб ўзгача қиёфа касб этиб бораётир. Куни кеча вилоят ҳокими Ш. Абдураззоқов туманимиздаги маҳаллалар фаолияти билан танишди. Дастлабки манзил «Бунёдкор» маҳалласи бўлди. Аввалроқ ушбу маҳалладаги Янги замон кўчасига синов тариқасида бетон қоплама ётқизиш ишлари бошланган эди. Ҳоким кун аввалида ушбу йўлни қураётган мутахассислар билан гаплашди.**



**Обидхон ДАДАШЕВ,**
**Янги Наманган тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.**

Шу билан бирга, маҳаллада сув тортиш ҳамда 4Р-214 автомобиль йўлида катта ишлар олиб борилаётганди. Жумладан, «Бунёдкор» маҳалласига олиб борувчи 4Р-214 автомобиль йўлининг 0-13 км. қисмидаги йўлни кенгайтириш ишларини янада жадаллаштиришга кўрсатма берилди. Эътиборлиси, шу кунгача мазкур йўлнинг 7-13 км. қисмида 9,5 км. лотоклар, 9,2 км бетон бардюр, 621 та йўл тўсиқлари ўрнатилиб, 3,2 км. йўлга 35 400 тонна асфальт босиш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 0-7 км.да 48 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Ш.Абдураззоқов шу ҳудудда яшовчи Абдурасул Мамадалиев хонадонида бўлиб, у ерда ташкил этилган узумчилик йўналишидаги ишларни кўздан кечирди. Хонадон эгаси узум токлари катта бўлгунга қадар ҳам томорқадан унумли фойдаланиб, картошка етиштираётгани оммалаштиришга арзирли ташаббус, дея эътироф этилди.

«Оромгоҳ» маҳалласи Афросиёб кўчасида Иброҳим Исмоилов бошчилигидаги «Спорт афсоналари» корхонасида 150 хилдан кўпроқ турдаги спорт кийимлари ва сумкалар тайёрланмоқда. Ушбу корхонада 20 киши меҳнат қилиб, рўзғор тебратмоқда. Маҳсулотлар Қозоғистон, Тожикистон, Екатеринбург, Россия ва Туркманистон мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Тадбиркор келгуси режалари акс этган лойиҳасини тақдим этди.

Кейинги пайтда туманда яна бир ташаббусга қўл урилиб, шимолий ҳудудларимиз узумчиликка ихтисослашмоқда. Аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, «Темир дафтар»даги ва маҳалланинг ишсиз аҳолисига имтиёзли кредит асосида маблағлар йўналтирилиб, 800 га яқин хонадонларга суриток ўрнатилди. Бу орқали биргина «Бунёдкор» маҳалласининг салкам 2 мингга яқин аҳолисининг доимий иш билан бандлиги таъминланади.

«Бунёдкор» маҳалламиз ҳудудида замонавий кўп қаватли уй ҳам қад ростламоқда. Бу ерда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, уй-жойга муҳтож 180 нафар оилалар учун 3 та 5 қаватдан иборат 60 та хонадонли уй-жойлар қурилмоқда.

Ҳозирда хонадонларнинг 1 тасида ички ва ташқи сувоқ ишлари олиб борилмоқда. Иккинчи 5 қаватда эса ғишт уриш ишлари давом этмоқда.









# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

**СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН, ЯХШИ-ЁМОННИНГ ФАРҚИГА БОРАДИГАН НУРОНИЙЛАР ЖАМИЯТНИНГ ИШОНЧЛИ УСТУНЛАРИДИР.**

**«ОНАЛАР — «ЯШИЛ МАКОН» УЧУН!» АКЦИЯСИ ФАРОВОНЛИК ВА ОБОДЛИК САРИ ҚЎЙИЛГАН ЭЗГУ ВА ХАЙРЛИ ҚАДАМДИР.**

# ҚАҲРАМОН ХАЛҚНИНГ ҚАҲРАМОН ФАРЗАНДЛАРИ ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДА



**Одамларимиз ҳар бир ишда, кундалик турмушдаги юмушларида кўп ҳолларда ёши улуғ отахону онахонлар билан маслаҳат қилади, улар билан кенгашиб, иш тутади. Чунки уларнинг ҳаётий тажрибаси ҳаммамиз учун ибрат вазифасини ўтайди. Қолаверса, улар ўтмиш, бугунги кун ҳамда келажакни бир-бирига боғлаб турувчи кўприк вазифасини ҳам ўтайди.**









Эътибор берган бўлсангиз, давлатимиз раҳбари қайси вилоятга ташриф билан борса, энг аввало, шу юртнинг нуроний оқсоқоллари ва ёшлари билан учрашади, улар билан дилдан суҳбатлашади. Уларнинг таклиф ва фикрларини эшитади. Бунда катта маъно бор, албатта. Чунки йиллар давомида дуч келган синовларда тобланган, яхши-ёмоннинг фарқига борадиган нуронийлар жамиятнинг ишончли устунларидир. Халқимиз уларга ишонади, қулоқ тутади.

Шу боис мамлакатимизда кексаларга нафақат ғамхўрлик кўрсатиш, айни чоғда уларнинг жамият ҳаётида фаол қатнашиши учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу нуроний отахону онахонларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлаш, уларнинг бу борадаги салоҳияти ва тажрибасини жамият учун фойдали ишларга йўналтиришга хизмат қилади. Шунингдек, бу орқали улар одамлар учун керакли эканини ҳис этиб, тўлақонли турмуш кечиришларига имконият яратилади. Яна бир аҳамиятли жиҳати, нуронийлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг қалбига йўл топиб, хайрли мақсадлар сари ундай оладилар.

**Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида «Биз нуронийларни қадрлаймиз!» шиори остида ташкил этилган «Уч авлод учрашуви»да юқоридаги жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Шу куни Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фахрий устоз ва мураббийлар, мамлакат тараққиётига, бугунги тинч, осуда, доруломон кунларга тамал тоши қўйилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ёши улуғлар, ёшлар бир дастурхон атрофида жам бўлишди.**

Улуғларимиз, ўрта авлод вакиллари ҳамда эртамиз эгалари йиғилган дилбар давра бугунги тинч ва фаровон кунлар, обод масканлар, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликда бугунидан рози бўлиб умргузаронлик қилаётган ҳамюртларимизнинг шукроналикка йўғрилган суҳбатларига бой бўлди.

Анъанага кўра, тадбир ҳудудда туғилиб вояга етган Ўзбекистон Қаҳрамонлари, меҳнат фахрийларининг ҳаётига бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиши билан бошланди. Мазкур фильмларда уларнинг ҳар бири ҳақида, машаққатли умр ва меҳнат йўллари ҳикоя қилинди.

**...Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Ерниязов.** Бу ном нафақат қорақалпоқ халқи учун, балки бутун ўзбекистонликлар учун ҳам азиз ва қадрлидир. М.Ерниязов қарийб 50 йиллик фаолияти давомида улкан раҳбарлик қобилияти, инсоний фазилатлари билан ҳурмат қозонди, Қорақалпоғистоннинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, шаҳар ва овулларни обод қилиш, аҳоли турмушини яхшилаш учун ўзини аямай меҳнат қилди.

Аслида, қорақалпоқ заминида, Орол ҳалокати юз берган ўлкада яшаб меҳнат қилиш, бу — ҳақиқий матонат. Муса Ерниязов ана шундай қаҳрамон халқнинг қаҳрамон раҳбари эди. У 18 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси деб аталмиш ўта масъулиятли ва шарафли вазифада самарали фаолият олиб боргани буни яққол тасдиқлайди.

Яна бир қорақалпоқ элининг суюкли фарзанди **— Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов** ҳақидаги фильм ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. И.Юсуповнинг шеърлари, достонлари, драмалари ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, озарбойжон, татар, турк, тожик, рус ва инглиз тилларида чоп этилган.

*— Бугунги учрашувдан жуда катта маънавий озуқа олдик,* ***— дейди Ибройим Юсуповнинг қизи Айжамал Юсупова.*** *— Айниқса, юртимизга, элимизга меҳнати сингган қаҳрамонлар ҳақидаги фильмлар биз учун кутилмаган туҳфа бўлди. Отам ҳақидаги фильмни томоша қилиб, очиғи, ёшлик йилларимга қайтгандек бўлдим, унинг ҳар сониясида худди отам ёнимда тургандек ҳис қилдим. Бундай эътибордан бениҳоя мамнунмиз.*

**...Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, фидойи журналист, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Шарап Уснатдинов** қорақалпоғистонликлар қалбида узоқ йиллар мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшган инсон сифатида гавдаланади. Учрашувда Ш.Уснатдинов ҳақидаги фильмни унинг оила аъзолари, шогирдлари катта мамнунлик билан томоша қилди.

*— Нуронийларга кўрсатилаётган бундай эътибор ёшлар учун ҳам ибрат намунасидир,* ***— дейди Шарап Уснатдиновнинг қизи Жумагул Уснатдинова.*** *— Бугун бу ерда йиғилган ёшлар ҳам шуни англадики, кимки Ватанга содиқ хизмат қилса, халқ ғамида куйиб-ёниб яшаса, давлат ҳам, халқимиз ҳам уларни унутмайди. Ҳар бирининг қадрини жой-жойига қўяди. Отам ҳам узоқ йиллар давомида «Нуроний» жамғармаси раиси сифатида сидқидилдан меҳнат қилди. Отам ҳақидаги фильмни томоша қилиб, унинг кечирган умри халқимиз фаровонлиги, равнақи учун бахшида бўлганини англадимва бундан фахрландим.*

**Қорақалпоқ элида меҳнатсеварлик ва ўзига талабчанлик намунаси сифатида ўрнак бўлиб келаётган меҳнат фахрийси Жанабай Шилманов** ҳақидаги лавҳалар йиғилганларнинг руҳиятига, қалб туйғуларига таъсир қилмасдан қолмади. Отахон узоқ йиллар Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири сифатида фаолият юритган.

*— Кексалик бекорчилик эмас, балки энг масъулиятли давр эканини ҳис этган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни халққа тўғри, халқона тушунтиришга ҳаракат қилмоқдамиз,* ***— дейди Жанабай Шилманов.*** *— Бугунги тадбирда айтилган фикрларни эшитиб, янги вазирлигимизнинг бевосита нуронийлар билан боғлиқ бўлгани зиммамиздаги масъулият юкини яна бир бор чуқур англатди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ҳар бир кекса нуронийга куч-ғайрат, шижоат бағишлайди. Биз бор кучимиз билан юртимиз равнақи йўлида хизмат қилишда давом этиб, ёш авлодга ўрнак бўлишдан мамнунмиз. Ёшларга айтар сўзим: ўқинг, изланинг, меҳнат қилинг, ҳалол бўлинг — шунинг ўзи сизларни катта марраларга элтади.*

Қаҳрамон инсонларнинг умр йўлига боқиб, ҳар соҳада пешқадам ва етук шахс бўлишга илҳом олади киши. Мазкур фильмлар ёшлар учун мактаб, ибрат ва намуна вазифасини ўтаб берди. Даврадаги самимий ва дилкаш суҳбатлар, катта ҳаёт тажрибасига эга ёши улуғлар билан мулоқотлардан тўлқинланган ёш етакчилар ҳам ўзларининг дил сўзларини яширмади. Нуронийларга бугунги доруломон кунлар учун миннатдорлик билдирди.

Байрам тантаналари санъат усталари иштирокидаги катта концерт дастурига уланиб кетди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхон Худойбергенов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мурат Камолов иштирок этди.

«ЯШИЛ МАКОН»

# КЎЧАТ ЭККАН, БОҒ ЯРАТГАН МЎЛ ДАРОМАД ТОПАДИ

**2022 йил баҳор мавсумида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланган. Унга кўра, «Долзарб 40 кунлик» тадбирлари доирасида ҳудудда жами 8 млн. 750 мингдан ортиқ мевали, манзарали ва бута кўчатларини экиш режалаштирилган. Бу жараёнда шаҳар ва туман марказларида бир хил навдаги дарахтларни экиш учун 17 та намунавий кўча танлаб олинган. Маҳаллаларда кўчат ўтқазиш ва парваришлаш ишлари қизғин кетмоқда.**

**НУКУС ТУМАНИ**даги Қирантов овул фуқаролар йиғинида лойиҳа доирасида қаламчадан терак кўчати етиштириш ва маҳаллаларда экиш, парваришлаш бўйича кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда Нукус шаҳри, Хўжайли, Тахиатош, Нукус туманлари маҳаллалари раислари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ҳар бир маҳаллада оқ терак ва манзарали дарахт кўчатини экишни йўлга қўйиш орқали даромад манбаини шакллантириш, экология тозалигига, атроф-муҳитни кўкламзорлаштиришга ҳар бир инсоннинг ҳисса қўшиши семинарнинг асосий мақсади эканини қайд этди. Шунингдек, янги техникалардан фойдаланиш тартиби ва қулайликлари, дарахт экиш жараёнида эътибор қаратиш лозим бўлган вазифалар тўғрисида соҳа мутахассислари томонидан тавсиялар берилди.

Иштирокчилар «Қиронтов» овул фуқаролар йиғини ҳудудида дарахт экиш учун ажратилган 1 гектар ер майдонига яхши ниятлар билан 2 500 тупдан ортиқ оқ терак ва манзарали дарахт кўчатини экди.

**ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИ**даги Жалолиддин Мангуберди номли истироҳат боғида ҳам лойиҳа доирасида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

*— Семинардан мақсад — ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, дарахт кўчатларини экиш, суғориш тизимини ташкил этиш ва парвариш қилиш масалаларини келишиб олишдир,* ***— дейди Элликқалъа тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Элдор Кожанов.*** *— Анжуманга юртимиздаги етук олимлар, соҳа мутахассислари жалб қилинган. Бу ерда олинган тажриба асосида маҳаллаларда ишлар бошланди. Бу жараёнда ҳам атроф-муҳит мусаффолиги, ҳам даромад манбаи сифатида, асосан, терак экишга урғу қаратяпмиз. Унинг қисқа муддатда ўсиши ва даромадга кириши маҳаллаларга қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.*

Эслатиш керак, лойиҳа доирасида туманда 1 млн. 21 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар экиш режалаштирилган. Айни кунларда барча сектор ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадал равишда амалга оширилмоқда.

**АМУДАРЁ ТУМАНИ**да ҳам айни шу мақсадга йўналтирилган ишлар қизғин бошлаб юборилди. Жумладан, «Дурунки» маҳалласида ташкил қилинаётган «Оналар боғи»да 300 дан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 3000 донадан ортиқ гул ва райҳонлар экиш режалаштирилган. Қутлуғ Рамазон ойи кунларида «Оналар боғи»га амударёлик аёл-қизлар кўчат экишни уюшқоқлик билан бошладилар.

*— «Оналар — «Яшил макон» учун!» акцияси фаровонлик ва ободлик сари қўйилган эзгу ва хайрли қадамдир,* ***— дейди меҳнат фахрийси Розия Алламберганова.*** *— Бу жараёнда ёшларга ўрнак бўлишни ўзимиз учун фарз деб биламиз. Зеро, ям-яшил дов-дарахтлар нафақат юртимизга, балки ҳар бир хонадонга кўркамлик, файз ва тароват бағишлашини биз, аёллар жуда яхши англаймиз. Шу маънода ҳар йилги кўчат экиш мавсумида хонадонларимиз остонасини обод қилиш, анвойи гуллар экишни анъанага айлантирганмиз. Чунки халқимизнинг энг эзгу орзулари рўёби обод ва сўлим манзиллардан бошланади. Амударёлик аёллар барпо этаётган «Оналар боғи» эса энг обод, энг кўркам ва файзиёб гўшалардан бирига айланади.*



Мўътабар ва мунис онахонлар, муҳтарама опа-сингилларимиз қўли билан бунёд этилаётган «Оналар боғи» ҳудудида келгусида оналар ва болалар учун саломатлик йўлаклари, турли саналар муносабати билан ўтказиладиган байрамона тадбирлар учун мўлжалланган замонавий тадбирлар зали ва бошқа инфратузилма иншоотлари тадбиркорлар томонидан барпо этилиши кўзда тутилган. Вақти келиб, «Оналар боғи» туман халқи учун хушкайфият бахш этувчи сайилгоҳ масканга айланишга шак-шубҳа йўқ.

**Саҳифани Санжар ИСМАТОВ, Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ тайёрлади.**

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН, МЕҲРДАН ЧЕТДА ЭМАС

**«...Давлат ва жамоат арбоби, ўз даврининг энг обрўли инсонларидан бири, Иккинчи жаҳон урушида юксак жасорат кўрсатган, шундан сўнг қарийб йигирма йил давомида Хоразм воҳасини биринчи раҳбар сифатида бошқарган Мадиёр Худайберганов қайси лавозимда ишламасин, ҳар қандай масалани оғир-босиқ, ҳар нарсани етти ўлчаб бир кесадиган, шошма-шошарликка йўл қўймай, режаларни аста-секин амалга оширадиган раҳбар бўлган. Унинг ўчмас номи Хоразм зарварақларида абадий муҳрланган...»**



Бу — Хива шаҳридаги «Фаровон» меҳмонхонасида турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматини қозонган нуронийлар ва фаол ёшлар иштирокида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда Мадиёр Худайберганов ҳақида намойиш этилган фильмдан бир парча. «Инсон қадри учун» ғояси асосида ташкил қилинган мазкур учрашувда М.Худайберганов қаби воҳадан етишиб чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда меҳнат фронтида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган элдошларимиз бирма-бир ёд этилди.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этган тадбирда юрт қаҳрамонлари, юксак орден ва унвон соҳиблари, эл-юрт учун фидокорона меҳнат қилган фахрийлар, ҳурмат ва шарафга сазовор бўлган инсонлар иштирок этишди. Хуллас, бу даврада жам бўлганлар кўҳна заминнинг ғурур ва ифтихорларидир.

Тадбирнинг авж нуқтаси — Ватан озодлиги йўлида курашган, юртимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшган Хоразмнинг фидойи фарзандлари ҳақидаги фильмлар намойиши бўлди.

...Меҳнат қаҳрамонлари Искандар Дўсов, Мадамин Маткаримов номлари ҳам Хоразм вилояти йилномасига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ҳар иккиси турли даврларда ҳудуд туманларига раҳбарлик қилишган. Улар номи вилоятда кўплаб ютуқлар, ўзгариш ва янгиланишлар билан боғлиқ. Жумладан, Хоразм қишлоқларига саноатни олиб киришда биринчилардан бўлиб жонбозлик кўрсатганлар ҳам улар аслида.

Шу куни эсга олинганлар орасида ўз касбининг етук мутахассиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Хива шаҳридаги Меҳрибонлик уйига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Вера Пак ҳам бор. У ота-она меҳридан мосуво бўлган тарбияланувчиларга ҳақиқий она меҳрини бера олган. Тарбияланувчилардан бири — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги офицери Хуршид Матниязов шундай дейди:

*— Вера онамиз ўз болалари тақдирига улар катта бўлгандан кейин ҳам бефарқ эмасди. У кишини барча болалар каби ўз онам сифатида биламан. Бугун у киши ҳақидаги фильмни кўриб, фахрландим, хурсанд бўлдим. Онамизнинг ҳаётимдаги ўрни беқиёс. Мени ёшлигимдан тарбиялаган, ўқитган, бугунги даражага чиқишимга улкан ҳиссасини қўшган. Жуда меҳрибон инсонимизни асло унутмаймиз.*

Яна бир Хоразм фахри — жаҳон миқёсидаги академик, Ўзбекистон Қаҳрамони Равшан Қурбонов. У ўз вақтида дунёнинг энг машҳур кардиологик клиникаларида фаолият юритган. Ушбу тадбирга отахон икки нафар невараси билан келди. Бобоси ҳақидаги фильмни улар ғурурланиб томоша қилишди.

*— Невараларим билан келганим бежиз эмас, бугунги учрашув ва бу ердаги муҳит улар учун катта ибрат мактабидир,* ***— дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Равшан Қурбонов.*** *— Тадбирда ўтириб, яна бир бор шунга амин бўлдимки, чиндан ҳам одам юртига, халқига яхши хизмат қилса, ўз устида тинимсиз ишлаб, катта ютуқларга эришса, халқи ҳам, Ватани ҳам уни ҳеч қачон ёддан чиқармайди. Бугунги учрашувда ёдга олинган ҳар бир инсон ана шундай сидқидилдан хизмат қилган воҳа қаҳрамонларидир. Улар ҳақидаги фильмларнинг ёшлар кўз ўнгида намойиш этилгани, ўйлайманки, жуда катта ибрат намунаси бўлди.*

Марҳум Шакаржон Хўжаниёзова узоқ муддат вилоятнинг Боғот туманига раҳбарлик қилган, вилоят ҳокимлигида масъул лавозимларда фаолият юритган. Уни кўпчилик самимийлиги, меҳнаткашлигини яхши эслашади.

*— Бугунги тадбирда инсон қадри қанчалик улуғланаётганига гувоҳ бўлдик,* ***— дейди Шакаржон Хўжаниёзованинг қизи Шаҳло Саидова.*** *— Буни ҳатто далиллари билан кўрдик. Давлатимиз учун, халқимиз учун жонини фидо қилган, хизмат қилиб, елиб-югурган инсонларнинг шу даражада эъзозланганини кўриб, уларнинг фарзанди эканимдан фахрланиб ўтирдим.*

Ўйлаймизки, бундай хотира кечалари ёшлар учун бебаҳо ибрат мактабидир. Асосийси, энди улар кимдан ўрнак олишни аниқ билишади.

*— Бугунги учрашув ҳаётимдаги унутилмас кунлардан бири бўлиб қолди, десам адашмайман,* ***— дейди хоразмлик Гулмира Равшанбекова.*** *— Нега десангиз, бугун халқимизга сидқидилдан хизмат қилган халқ фидойилари билан танишдик, уларнинг умр йўллари, тажрибаларидан бохабар бўлдик. Уларга ўхшашни, улар каби юксак мартабаларга эришишни ният қилдик. Хотира кечасида воҳа қаҳрамонлари ҳақида китобларда ўқиганимиз, кимлардандир эшитганларимиз қанчалик ҳақиқат эканини англаб етдик.*

Тадбир давомида фахрийларнинг ёшлик йилларини эсга солувчи мумтоз қўшиқлар ижро этилиб, бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурилди. Нуроний отахонлар, пиру-бадавлат онахонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди. Муборак Рамазон ойидаги ширин дийдор онлари тадбир иштирокчиларига хуш кайфият бахш этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхон Худайбергенов иштирок этди.














«ЯШИЛ МАКОН»

# БУ КЎЧАТЛАР МЕВАСИ КЎП КУТТИРМАЙДИ

**Республикамиз бўйлаб давом этаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ва «Долзарб 40 кунлик» тадбирлари Хоразм вилоятида кенг қулоч ёймоқда. Айтиш керакки, лойиҳа доирасида ўтган йилнинг куз мавсумида 5 млн. 825 минг дона манзарали ва мевали кўчатлар экилди. Шунингдек, 24,6 гектар майдонда «Яшил боғ» ва «Яшил жамоат парк»лари ташкил қилинди.**



Бу йилги баҳор мавсумида эса вилоят ҳудудида 9 млн. 55 минг дона манзарали ва мевали кўчатлар экилиши режалаштирилган. «Яшил ҳудудлар» салмоғини ошириш мақсадида барча туман ва шаҳарларда жорий йилда жами 123 гектар майдонда «Яшил боғлар» ҳамда жами 144 гектар майдонда «Яшил жамоат парклари» ташкил этилади. Ҳудудда тупроқ шўрланиш даражаси ҳамда ер ости сув сатҳининг нисбатан юқорилиги боис «яшил майдонлар»да вилоят иқлимига мос дарахт кўчатлари экиш кўзда тутилган.

Айни пайтда **ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ**да кўчат экиш ишлари қизғин давом этмоқда. Иш жараёнига малакали мутахассислар жалб этилган.

*— Вилоятда, асосан, ҳудуд иқлим шароитига мослашган бўйтерак экилмоқда,* ***— дейди ўрмон хўжалиги мутахассиси Худайберган Оллаберганов.*** *— Агар тупроқ ҳарорати яхши бўлса, суви етарли бўлса, мазкур терак навининг бўйи бир йилда 2,5-4 метргача ўсади, диаметри эса 15-25 мм.гачани ташкил этади. Агар улар тўрт йил давомида парваришланса, улардан бемалол қурилиш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Бу ўз навбатида қўшимча даромад ҳам демакдир.*

Айтиш керакки, бўш жойлар, қир-адирлар, кўча бўйларига экилаётган кўчатлар бевосита маҳаллалар балансига берилади. Улар парвариш қилиниб, келгусида ундан олинадиган даромад эҳтиёжманд фуқаролар, боқувчисини йўқотганлар, якка-ёлғизларга йўналтирилади. Шу орқали маҳалланинг ўз даромадига эга бўлишига эришилади. Бугун амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар меваси кўп куттирмайди, албатта. Узоғи билан 4-5 йилда тераклардан катта даромад олиш бошланади ва маҳалланинг ички муаммоларини шу ернинг ўзида ҳал этиш имконияти яратилади.

Лойиҳа доирасида **ШОВОТ ТУМАНИ**нинг «Тараққиёт» маҳалласи ҳудудида 2 гектар майдонда «Оналар боғи» ташкил қилинди. Юртимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик рамзи сифатида ташкил қилинган ушбу тадбирда меҳнат фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Шунингдек, »Узункўл» маҳалласи ҳудудида 2,5 гектар майдонда тераказор ташкил қилиниб, 22,5 минг дона терак кўчати ўтқазилди.

— Аслида, тарбия дегани, фақат қулоққа айтиладиган гап эмас, — дейди меҳнат фахрийси Назира Ниёзметова. — қилаётган амалимиз билан ҳам фарзандларимизга намуна бўлишимиз керак. Шу маънода «Оналар боғи»нинг ташкил этилиши ва унга бевосита онахонларнинг ўзлари кўчат ўтқазаётгани ёшлар учун ўзига хос ибрат намунасидир.

**ХИВА ТУМАНИ**да 906 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш режалаштирилган. Баҳор мавсумида экиш учун тумандаги Қорақум илмий текшириш станцияси, қатор фермер хўжаликлари ва туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан воҳа тупроқ ва иқлим шароитига мос кўчатлар етиштирилди. Шунингдек, Фарғона вилоятидан 20 минг туп мевали дарахт кўчатлари олиб келиниб, туман ташкилотлари ҳамда аҳолига тарқатилди.

Умуман олганда, вилоятнинг барча маҳаллаларида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирлари кўтаринки кайфиятда, ўзгача эътибор билан амалга оширилмоқда. Ҳадемай, «яшил белбоғлар» орқали «яшил ҳудуд»ни яратишга қаратилган бундай тадбирлар кўкка бўй чўзган «яшил макон», боғзорларга айланиши шубҳасиз.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги семинарлар ва дарахт ўтқазиш тадбирларида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Содиқжон Турдиев иштирок этди.

**Саҳифани Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.**

# «САЙЛОВ — 2022»

ОҚСОҚОЛЛИККА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ТЕГИШЛИ ҲУДУДДА ЯШОВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ФИКРУ МУЛОҲАЗАЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНГАН ҲОЛДА ИШЧИ ГУРУҲИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

НЕГА МАҲАЛЛА АҲЛИ ҲАР УЧ ОЙДА ҲИСОБОТ БЕРИШИ ШАРТ БЎЛГАН РАИСНИ ЎРТАГА ОЛИБ, УНДАН ҚОНУН ДОИРАСИДА ИШЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИ?

# Фуқаролар йиғини сайлови яқин. ҲОЗИРЛИК ҚАНДАЙ?



**Жамият ва давлат бошқарувида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзига хос муҳим ўрин тутади. Шу боис маҳалла ва маҳалла тизими ходимларининг фаолияти ҳамиша давлатимиз ҳамда фуқароларимиз эътиборида. Сўнгги вақтларда аксарият ислоҳотлар ҳам айнан маҳалла тизимига қаратилган. Шу ўринда жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ҳақидаги қонунчилигимиз борасида фикр юритсак.**

2022 йил 16 март куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан, **9 349 нафар фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)ни сайлаш жараёни жорий йилнинг май ойида ўтказиладиган бўлди.** Шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси, ушбу сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссиясининг таркиби ва сайлов бюллетени намунаси тасдиқланди.

Қарордан келиб чиқиб, **халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг ҳам қарори қабул қилиниб, вилоятда 813 нафар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайланиши белгиланди.** Вилоят ва туманлар кўмаклашувчи комиссияларининг таркиби тасдиқланиб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Кўмаклашувчи комиссияларнинг ишчи органи Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимларининг ижро аппарати ҳисобланади. **Бир сўз билан айтганда, сайлов жараёни бошланди.**

Қонун талабларига асосан, ушбу сайловлар ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилиб, унда иштирок этиш ихтиёрий ва эркиндир. Маҳалла ҳудудида доимий яшовчи ва ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар сайловда иштирок этишга ҳақлидирлар. Фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаролар сайловда қатнашмайди.

Туман кўмаклашувчи комиссияларнинг ваколатлари қонунда белгилаб берилган. Шу ўринда раисликка номзодлар комиссияга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар комиссия таркибидан чиқарилишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Яқин қариндош дейилганда, ота-она, эри (хотини), болалари, ака-укалари ва опа-сингиллари тушунилади.

**Сайловни ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳлари тузилади.** Ишчи гуруҳига қоида тариқасида маҳалла ҳудудидаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, туман Кенгаши депутати киритилади. Ишчи гуруҳига йиғин орган ходимлари, уларнинг ва раисликка номзодларнинг яқин қариндошлари киритилиши мумкин эмас. Раисликка номзод ишчи гуруҳи аъзолари ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилади. Номзодлар фуқаролар вакиллари ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар фуқаролар вакиллари таркибидан чиқарилади.

Ишчи гуруҳи маҳалладаги ҳовлилар, уйлар ва кўчалар бўйича умумий йиғилишларни ўтказиб, сайланган вакиллар ҳақида умумий йиғилиш баённомасини тузади. Вакиллар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаролар умумий сонининг камида ўн икки фоизини ташкил этиши керак. Вакиллар йиғилиши ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда фуқаролар хабардор қилиниши керак.

**Оқсоқолликка номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларнинг фикру мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади.** Раисликка номзодлар Ўзбекистон фуқароси, қоида тариқасида олий маълумотли, сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда яшаётган, ҳаётий тажриба ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноят содир этиб, судланганлик ҳолати тугалланмаганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган маҳкумлар, ҳарбий хизматдаги шахслар ва диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари раисликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

**Номзодлар камида икки нафар бўлиши керак.** Номзодларга оид ҳужжатлар тегишли ҳоким билан келишиш учун сайловдан камида ўн кун олдин ишчи гуруҳи томонидан кўмаклашувчи комиссияга тақдим этилади. Ҳоким номзодлар бўйича асослантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳига юбориш учун комиссияга қайтаради. Оқсоқолликка номзоднинг ёзма розилиги бўлиши шарт.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳи раҳбари раислигида ўтади. Дастлаб иш регламенти, яъни номзодларнинг маърузалари, муҳокамаси ва савол-жавоблар вақти белгиланади. Номзодларнинг маърузаси алифбо тартибида ўтказилади. Улар ўзининг келгуси фаолият дастурини эълон қилиши керак. Камида уч кишидан иборат саноқ комиссияси сайланади. **Оқсоқолни сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.** Овоз бериш ўтказилаётган вақтда сайлов бюллетени саноқ комиссияси томонидан берилади. Саноқ комиссияси овоз бериш якунлангач, овозларни ҳар бир номзод бўйича санаб чиқади. Бу ҳақда баённома тузилиб, имзоланади. Сўнгра саноқ комиссияси раиси томонидан ўқиб эшиттирилиб, вакиллар йиғилиши томонидан тасдиқланади. Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғини овозини олган номзод раисликка сайланган ҳисобланади. Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси икки нусхада тузилиб, бир нусхаси туман кўмаклашувчи комиссиясига тақдим этилади.

Агар сайловда фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи, вакиллар йиғилишида эса вакилларнинг учдан икки қисмидан камроғи иштирок этган бўлса, **сайлов ўтмаган ҳисобланади.** Сайловда икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган бўлиб, улардан биронтаси ҳам сайловчиларни ярмидан кўпини овозини олмаса, энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади. Такрорий овоз беришда кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Сайлов натижаси бўйича судга шикоят қилиниши мумкин.

Фуқаролар йиғинлари раислари(оқсоқоллари)ни маҳаллладаги ўрни катта бўлиб, фуқаролар яхши ва ёмон кунларида дастлаб оқсоқолга мурожаат қилади. Оқсоқолнинг фикру маслаҳатига таяниб иш кўради. Оилавий ажралишлар ва жиноятларни олдини олишда ҳам уларнинг ўрни бор. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар ишлари вакили, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспекторини фаолиятини тўғри мувофиқлаштириш ҳам оқсоқолга боғлиқ. Шундай экан, фуқаролар йиғинлари раислари(оқсоқоллари)ни сайлашда барчамиз фаол иштирок этмоғимиз керак.

> Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан купроғини овозини олган номзод раисликка сайланган ҳисобланади. Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси икки нусхада тузилиб, бир нусхаси туман кўмаклашувчи комиссиясига тақдим этилади.



**Абдишукур ОМОНОВ.**

КЎЗГУ




# «МАҲАЛЛА РАИСИ «ЕДИ» ДЕЙСИЗМИ? БУНГА НЕГА ЙЎЛ ҚЎЙДИНГИЗ?»

**Айрим пайтлар маҳалла раислари ҳақида турли гап-сўзлар қулоққа чалинади. Раис ниманидир ўзлаштиргани, кимнингдир ҳақини егани айтилади. Аниқ бир факт бўлмаса ҳам одамлар орқаваротдан гап отаверишади. Шундан безиган маҳалла раислари «ҳа, бу лавозимнинг ўзи шундай, қанча қилсанг ҳам ҳеч ким миннатдор бўлмайди» деб ўзларини юпатишади.**

Маҳалла раиси нимани ейди ўзи? Маҳаллада у ўзлаштирадиган қандай бойлик бор? Ейишга нимадир топилса-ю, маҳаллада бунга ишонадиганлар бўлса, нега сайлаб қўйиладиган лавозимдаги раисни назорат қилиш тизими ишга солинмайди? Нега маҳалла аҳли ҳар уч ойда ҳисобот бериши шарт бўлган раисни ўртага олиб, ундан қонун доирасида ишлашни талаб қилмайди? Ҳа, жамиятимизни ичидан кемирувчи яна ўша андиша!

Аҳоли андишага бориб, фаоллик кўрсатмаса, ҳисобот талаб қилмаса, раиснинг ўзи ҳисобот беришга манфаатдор бўлмоғи лозим. Агар маҳалла раиси ўзи ҳақида салбий гап-сўзлар тарқалмаслигини истаса, барча йўналишдаги ишлари очиқ ва шаффоф бўлмоғига эришмоғи даркор. Бунинг учун маҳалла фуқаролари олдида мунтазам ҳисобот бериб туриши керак.

Олдинлари фуқаролар маҳалла раисига турли ҳужжатлар, жумладан, маълумотнома беришни сўраб мурожаат қиларди ва маълум сумма ташлаб кетарди. Ёки «бола пули» олишига ёрдам қилиши учун нималардир ваъда қиларди. Қисқаси, аҳоли орасида «маҳалла ходимлари пул ишламоқда» деган гап юрарди. Лекин эндиликда маҳалланинг юқорида тилга олинган функциялари тарихда қолди. Шунингдек, жорий йилдан бошлаб маҳаллладаги барча молиявий ишлар ҳоким ёрдамчисига юклатилди ва ушбу йўналишдаги вазифалардан маҳалла раиси озод бўлди.

Ҳозирги вақтда фақат айрим тадбирлар ўтказганда маблағ керак бўлса, маҳалла фуқаролар йиғилиши кенгаши ёки вакиллар йиғилиши розилиги билан пул йиғилади. Масалан, маҳалла миқёсида Наврўз байрамини ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Тадбирга маълум миқдорда маблағ талаб қилинади. Кўпинча гапирадиганлар ана шу йиғилган пул қаерга кетганлигини билмасдан, турли салбий хулосалар билдиради.

Бунга йўл қўймаслик учун тадбирни ўтказгач, албатта йиғилиш чақириб, маҳалла аҳлига қанча маблағ йиғилгани, қанчаси сарфланганлиги ва қанча қолганлиги ҳақида аниқ маълумот бериши зарур.

Мана, биз Самарқанд шаҳридаги «Боғимайдон» маҳалламизда Наврўз муносабати билан каттагина тадбир ўтказдик. Тадбирдан бир ҳафта олдин вакиллар йиғилишини ўтказиб, Наврўзни нишонлаш масаласини муҳокама қилдик. Аҳолидан махсус пул йиғмасликка келишиб олдик. Ўзига тўқ оила вакиллари баҳоликудрат ўз ҳиссасини қўшишини маълум қилди. Аммо қолганлар ҳам қараб турмади. Кимдир 20 минг, кимдир 50 ёки 100 минг сўм берди.

Биз Наврўз ўтказамиз, деб ҳеч кимдан пул сўраганимиз йўқ. Маҳалла аҳли баҳоликудрат савоб йўлида атаганини келтириб берди. Алоҳида дафтар тутдик. Унга ҳам маблағ берган ва ҳам уни олган шахс имзо қўяди. Хоҳлаган киши исталган вақтда келиб, маблағ кирим қилганлиги ҳақида маълумот олиши мумкин. Худди шунингдек, сарфланган ва қолган маблағни ҳам аниқлаш жуда осон. Чунки сарф қилинган ҳар бир сўм ҳам ҳисобланиб, алоҳида дафтарга қайд этиб борилди.

7 апрелда маҳаллада ўтказилган йиғилишда жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берилди ва Наврўз байрами сарф-харажатларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Дафтардаги ёзувлар йиғилиш қатнашчиларига кўрсатилиб, қизиқувчилар хоҳлаган пайтда текшириб кўриши мумкинлиги таъкидланди.

Наврўз байрами харажатларидан ортиб қолган 6,7 миллион сўмни маслаҳатлашиб, маҳалла ободончилигига сарфлашга келишиб олдик. Ҳа, айтгандек, байрам арафасида маҳалла марказида иккита видеокамера ҳам ўрнатдик.

Шу муносабат билан «маҳалла раиси еди» деганларга айтадиган гапим бор. Агар сиз жамоатчилик назоратини ўрнатиб, раисингиздан ўз вақтида ҳисобот беришни талаб қилсангиз, тушган ва сарфланган маблағни текшириб турсангиз, маҳалла раиси ейишга ботинолмайди. Ҳамма ўзини четга олса, «ёмон кўриниш»ни истамаса, лоқайд бўлса, унда айрим эътиқоди суст раислар кўпнинг маблағига кўз олайтириши мумкин.

Биламан, маҳалла раисларининг асосий қисми тоза, ҳалол ишлаб, ўзини сайлаб қўйган аҳоли хизматини сидқидилдан бажаришга интилади. Ана шундайларни ҳам қоралаб, «еди» демасликлари учун мунтазам ҳисобот бериб турилиши лозим. Масалан, агар ҳисобот бермаганимда, ўша қолган 6,7 млн. сўмни ҳеч ким сўрамасди.

Йиғилиш чақириб, ҳисобот беришимдан хабар топганлар орасида «ҳисобот нима керак, ҳамма кўрди, байрам яхши ўтди, тўкин-сочинлик бўлди, йиғилган маблағ сарфланди» деганлар ҳам бўлди. Ушбу мисолнинг ўзи ҳисоб-китоб аниқ бўлиши лозимлигини, ҳисоботдорлик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Юқорида ёзганларимни ўқиганлар «пора билан қўлга тушган маҳалла раислари оз эмас-ку, бунга нима дейсиз» қабилидаги сўровларга жавоб тариқасида алоҳида мақола тайёрлайман. Ҳозирча қуйидаги фактни келтириш билан чекланаман: «Google» қидирув тизими «маҳалла раиси пора...» деган сўровга 15 мингдан кўпроқ натижа кўрсатди. Бу шунча раис қўлга тушди дегани эмас. Чунки кўпгина хабарлар бир неча мартадан такрор бўлган. Аммо бу ҳолатга бефарқ бўлиш ҳам мумкин эмас...



**Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳридаги «Боғимайдон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

ҚОИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАНУ, АММО ОХИРИ ЁКИ ОҚИБАТЛАРИ ТЎЛИҚ ЎЙЛАНМАГАН.

ЎҚИМАГАН ҲАЙДОВЧИ ҚИЗИЛ ЧИРОҚДА ҲАМ ЎТАДИ, ПИЁДА УСТИГА ҲАЙДАЙДИ ВА ҲОКАЗО.






## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ:

# ЯНГИ ТАҲРИР ЯНГИ МУАММОЛАРГА ЙЎЛ ОЧМАЙДИМИ?

**Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳар куни 6-7 киши вафот этаётгани, энг ёмони, бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бораётгани, соҳада ҳар қанча янги технологиялар қўлланилмасин, вазият ижобий томонга ўзгармаётгани ҳақида тинимсиз бонг уриб келамиз. Бунга сабаб бўлаётган омиллар ҳам етарлича таҳлил қилинган. Жумладан, Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш киритиш вақти аллақачон келгани кўп бор таъкидланган.**

**Санжар ИСМАТОВ.**

Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 172-сон қарорини йўллардаги аянчли ҳолатларни камайтириш, ҳайдовчилар ва пиёдалар масъулиятини ошириш, тизимдаги камчиликларни бартараф этиш борасидаги муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин. Ҳужжат билан йўл ҳаракатига оид муҳим нормалар белгиланди.

Жумладан, эндиликда аҳоли пунктларида тезлик **соатига 70 километрдан,** мактаб ва боғчалар атрофидаги йўлларда 300 метргача масофада **30 километрдан**, маҳаллалар ичида эса **соатига 20 километрдан** ошмаслиги шарт. Бунда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича республика комиссияси ҳудуд марказларининг қатнов юқори ва аҳоли гавжум жойларида **тезликни 60 километр/соатгача чеклаш** ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, енгил автомобилларда юк ташишга уларнинг том қисмига ўрнатилган юкхонадаги **юкнинг баландлиги 1 метрдан** *(махсус мосламалар билан мустаҳкамланган ҳолда велосипедларни ташиш бундан мустасно)* ва узунлиги автомобилнинг габаритидан **0,5 метрдан ошмаган тақдирда** йўл қўйилади. Юк автомобиллари, айрим истиснолардан ташқари, барча ҳолатларда йўлнинг фақат **ўнг қатнов қисмидан ҳаракатланиши шарт.**

Транспорт воситаларининг **қайрилиб олиш жойларида** ва унга **30 метр етмасдан** ёки **ўтиб тўхташ тақиқланади.** Сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда велосипед йўлкаси бўлмаган ҳолда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланаётган велосипедчилар **нур қайтаргичли камзулда ёки нур қайтарувчи элементлар бўлган устки кийимда** бўлиши шарт. Бунда ушбу нур қайтарувчи элементлар бошқа ҳайдовчиларга кўринадиган бўлиши керак.

> Янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 11-бандига асосан, энди ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчиларни камар тақиш ҳақида огоҳлантириши шарт. Бироқ ҳайдовчи огоҳлантирганига қарамай, йўловчи камарни тақмаса, ЙПХ ходими кимга нисбатан баённома расмийлаштириши қонунчиликда аниқ ёритилмаган.

### ЭНДИ ЙЎЛОВЧИ ҲАМ КАМАР ТАҚИШГА МАЖБУР

Ҳукумат қароридаги энг муҳим жиҳат, бу – янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг тасдиқлангани бўлди. Мазкур ҳужжат 2022 йил 1 майдан амалга киритилади. Хўш, Йўл ҳаракати қоидаларида қандай янги ўзгаришлар бор? Улар нимаси билан аҳамиятли? Ҳужжатда барча саволларга ҳам ечим топилдими?

**Асосий янгилик:** 1 майдан бошлаб, ҳаракатланишдан олдин ҳайдовчидан ташқари, олд ўриндиқда ўтирган **йўловчилар ҳам хавфсизлик камарини тақиши мажбурий** бўлади *(2015 йилда қабул қилинган амалдаги қоидаларда ҳайдовчи ҳаракатланиш вақтида хавфсизлик камарини таққан бўлиши кераклиги айтилган).* Шунингдек, эндиликда орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчилар ва аҳоли пунктларида ҳаракатланишда – йўналишли такси ҳайдовчилари ҳам хавфсизлик камарини тақиши керак бўлади. Бугунги кунгача ушбу тоифага камар тақмасликка рухсат берилганди.

Шу билан бирга, айрим йўловчиларга, жумладан, ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган беморларга *(махсус тиббий маълумотнома мавжуд бўлганда)* **хавфсизлик камари тақмасликка** рухсат берилади. 7-12 ёшли болаларни ташишда эса махсус ушлаб турувчи мосламали хавфсизлик камаридан фойдаланиш тавсия этилади.

**Қоидалардаги яна бир муҳим янгилик** – энди юридик ва жисмоний шахслар томонидан автомобиль йўл қисмига рухсатсиз, ўзбошимчалик билан сунъий тўсиқлар ўрнатиш тақиқланди. Сунъий тўсиқлар деганда, ҳаракат тезлигини камайтиришга мажбурлаш учун қатнов қисмида махсус ташкил этилган баландликлар тушунилади.

Сунъий тўсиқларни рухсатсиз ўрнатиш кўпинча *(бетон, асфальт ёки пластмассадан ясалган тезликни пасайтириш мақсадида фойдаланилади)* тураржойлар орасида, айниқса, мактаблар ва болалар боғчалари яқинида кенг тарқалган. Сабаби, аксарият ҳолларда масъул тузилмалар бунга етарлича эътибор бермайди, мамлакатда пиёдалар, айниқса, болаларни машина уриб юбориш хавфи бўлган жойларда бундай тўсиқларни мажбурий ўрнатиш бўйича қатъий белгиланган меъёр ва қоидалар мавжуд эмас. Бундай шароитда фуқаролар, корхона ва ташкилотлар инсон ҳаётини муҳофаза қилиш чораларини ўзлари кўришга мажбур бўлади.

### ЙЎЛОВЧИ КАМАР ТАҚМАСА, КИМ ЖАРИМАГА ТОРТИЛАДИ?

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратмоқ керак: янги қоидаларда белгиланаётган айрим нормалар турли саволларни ҳам келтириб чиқармоқда.

> **БИРИНЧИДАН,** ***олд ўриндиқдаги йўловчи камар тақмаса, бунинг учун ким жаримага тортилиши ноаниқ – йўловчими ёки ҳайдовчи?***

Зеро, пиёдалар ва йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддаси билан тартибга солинган. Лекин бу моддадаги қоидаларнинг аксарияти пиёдаларга тааллуқли *(қизил чироқдан ўтиш ва ҳоказо).* Йўловчиларга оид қисми эса битта: улар ҳаракат вақтида тана қисмларини *(қўлдан ташқари)* машина салонидан ташқарига чиқарса, БҲМнинг 1 баравари миқдорида *(270 минг сўм)* жаримага тортилади. Кодексда йўловчиларнинг жавобгарликка тортилишига сабаб бўладиган бундан бошқа ҳолат кўрсатилмаган. Аксинча, кодекснинг 125-моддасига биноан, ҳайдовчиларнинг «хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги» БҲМнинг ярим баравари миқдорида *(145 минг сўм)* жаримага сабаб бўлади.

Янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 11-бандига асосан, энди ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчиларни камар тақиш ҳақида огоҳлантириши шарт. Бироқ ҳайдовчи огоҳлантирганига қарамай, йўловчи камарни тақмаса, ЙПХ ходими кимга нисбатан баённома расмийлаштириши қонунчиликда аниқ ёритилмаган. Яъни *«Агар олд ўриндиқдаги йўловчи камарни тақмаган бўлса, ҳайдовчи ҳаракатни бошламаслиги керак; ҳаракат давомида олд ўриндаги йўловчи камарни ечса, ҳайдовчи транспортни тўхтатиши керак»*, деган мазмундаги қоида қонунчиликда йўқ. Мана шу ерда расмий ҳужжатларда чалкашлик, чала иш кўзга ташланади. Қоида ишлаб чиқилгану, аммо охири ёки оқибатлари тўлиқ ўйланмаган. Бу ерда фуқаролар ва ЙПХ ходимлари ўртасида салбий ҳолатлар ва оқибатлар ҳам юз бериши мумкин.

> **ИККИНЧИДАН,** ***аҳоли пунктларида рухсат этилган максимал тезлик нега камайтирилмади?***

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев февраль ойида йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларига бағишланган йиғилишда халқаро стандартларга асосланган янги йўл ҳаракати қоидаларини ишлаб чиқиш зарурлиги, бунда ўзгаришларни депутатлар, экспертлар ва жамоатчилик билан муҳокама қилиш кераклиги бўйича кўрсатма берганди. Бироқ халқаро ташкилотлар ва экспертлар ҳамжамиятининг тавсияларига қарамай, ҳукумат аҳоли пунктларида рухсат этилган максимал тезликни яна камайтирмади ва уни 70 километр/соат қилиб қолдирди. Ваҳоланки, юқоридаги йиғилишда давлатимиз раҳбари пойтахт марказида транспорт тезлиги 50-60 километр/соатдан ошмаслиги кераклигини таъкидлаган эди.

> **УЧИНЧИДАН,** ***маҳаллалар, мактаблар ва болалар боғчалари атрофидаги тезлик чекловлари қандай амалга оширилади?***

Яъни, мисол учун, таълим му-



ассасаларида ушбу чеклов 300 метр масофада амал қилади. Унинг қандай амалга оширилиши *(белгилар, горизонтал белгилар ёки бошқалар ёрдамида)* ва қандай бошқарилиши *(сунъий нотекисликлар, тирбандликни сокинлаштиришнинг бошқа усуллари, камералар ва бошқалар)* аниқлаштирилмаган. Аҳоли тураржойлари ва унга туташ ҳудудларда тезлик чегараси 20 километр/соатгача пасайтирилган бўлса-да, бу қандай амалга оширилиши ва назорат қилиниши ҳам аниқ эмас.

> **ТЎРТИНЧИДАН,** ***назорат қандай ўрнатилади?***

Тезликка чеклов қўйилгани билан биров унга амал қилмаса ва назоратга олинмаса, 10 километр тезликда ҳам қоидалар бузилаверади, одамлар ўлаверади. Ўқимаган ҳайдовчи қизил чироқда ҳам ўтади, пиёда устига ҳайдайди ва ҳоказо. Хуллас, янги қоидаларни чиқариш яхши, фақат уларни энди қандай назорат қилишади? Масалан, мактаблар олдида «мингга қўйиб» ўтадиганлар минглаб топилади, уларни қандай ушлашади? Қандай қилиб жазолашади? Ҳеч ким ҳеч нарса қилолмаслигини билгани учун ҳам улар шундай босиб ҳайдайди. Янги қоидаларни ишлаб чиққан идораларнинг бу саволларга жавоблари борми? Камералар, дейсизми, бу бўйича беш йилдан бери деярли ҳеч нима қилинмагани кундек равшан-ку.

Янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларидаги айрим жиҳатлар яхши, албатта. Бироқ расмий ҳужжат чалкашликлардан холи бўлиши, оддий фуқаро ўзини қийнаган масалага жойида ечим топиши керак *(аслида айнан мана шундай чала ишлар туфайли қарорларга йиллар давомида қайта-қайта ўзгартиришлар киритилаверади).* Ўйлаймизки, юқоридаги ҳолатлар бўйича ҳам расмийлар ўз муносабатини билдиради. Зеро, ноаниқлик бор жойда қонунни ҳам, қоидани ҳам ҳар ким ўз билганича талқин этиши, ундан ўз манфаатлари йўлида фойданиши мумкин.

МАНЗАРА

# МУАММОЛАРИМИЗ ГАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛГАЧ, ҲАЛ ЭТИЛГАН

**Гап бошида «Mahalla» газетаси тўғрисида тўхталсам. Маҳалла раиси сифатида фаолият юритаётганимга анча йиллар бўлди. Тўғриси, шу давр ичида бу газета менинг энг асосий қўлланмаларимдан бири бўлиб келган. Фаолиятимиз, тизимимизга оид янгиликлар, режалар, мамлакатимиз сиёсатидаги воқеалар, ислоҳотларнинг бориши тўғрисида айнан шу нашрдан маълумот оламан. Бир неча марта мақолаларим ҳам эълон қилинган. Ҳатто ҳудудимизда мавжуд камчиликлар тўғрисида ёзилган мақоламдан сўнг туман, вилоят раҳбарлари эътиборига тушиб, муаммоларимиз ҳал бўлиб ҳам кетди.**

**Обида ХОЖИЕВА,**
**Бувайда туманидаги «Маслаҳат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Тумандаги энг катта маҳаллалардан бири ҳисобланамиз. Бизда 6 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Одамларимиз деҳқончилик, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик ортидан оила боқмоқда. Эшик-ромлар, ёғоч ўймакорлиги, шишага ранг бериш, гул солиш билан шуғулланувчи, пенапласт, тайёр сувоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектлари кўпайиб бормоқда

Тадбиркорлик ривожлангани сари меҳнат миграциясига интилаётганлар ҳам камайиб бормоқда. Масалан, бундан 5-6 йил илгари маҳалламиздан 130-150 нафар фуқаро чет элларда тирикчилик қилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 10-20 нафардан ошмаяпти.

Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар деярли тугади, деса ҳам бўлади. Аҳоли 100 фоиз ичимлик суви билан таъминланган. Газ баллонлар вақтида етказиб берилмоқда. Электрда узилишлар йўқ. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бўйича 5000 тупдан зиёд манзарали дарахтлар катта кўчаларимиз бўйларига экилди. Биргина муаммомиз – ички йўлларни асфальтлаш керак. Масалан, қабристонга олиб борадиган Маслаҳат кўчасида аҳвол жуда ёмон эди. Маъракаларда аҳолига қийинчилик туғдирарди. Йўлнинг ёмонлигидан ёғингарчилик пайтлари тобут қўлдан тушиб кетиш ҳолатлари ҳам кузатилганди. Ҳомийлар, аҳоли ҳашари йўли билан бу кўчани анча тартибга келтирдик. Ободонлаштирдик, текисладик, шағаллаштирилди. Асфальтлашга тайёр. Шу масалада тегишли идоралар томонидан кўмаклашилса бўлди.




Мен билан бирга 11 та кўчабоши ишлайди. Ҳар қандай ҳолатда бизга кўмак беришга тайёр одамлар. Тунни тун, куннни кун дейишмайди. Жанжал борми, тўйми, бошқа муаммо борми, дарров етиб келишади. Ишонаманки, маҳалламиз ана шу каби фидойи инсонлар борлиги учун кун сайин чирой очиб бораверади.

**БУГУН ЎЛИМ ТЎШАГИДАГИ БЕМОР ҚЎЛИГА ҚАРАБ, БИР НИМА ИЛИНЖИДА ТУРГАНЛАР КЕЧА КИМГАДИР УЗАТГАН «ПОРА»СИНИНИНГ ҲАҚҚИНИ ЧИҚАРАЁТГАНЛАР ЭМАСМИ?** | **ОРОЛҚУМДА ЭКИЛАЁТГАН ЧЎЛГА ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — КУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАНДИР.**

# ЯНГИЛИКЛАР ОҒУШИДАГИ ОРОЛҚУМ



**Бугун Мўйноқ ҳақиқий янгиликлар, ихтиролар, экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айланмоқда. 2021 йил 24 ноябрь куни «Innoweek – 2021» – Инновацион ҳафталиги доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий инновацион ривожланиш бошқармаси Оролбўйи халқаро инновация маркази ва Германия давлатининг Заксен-Ляйнен нотижорат ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.**

**Есимхон ҚАНОАТОВ.**

Ушбу меморандумга асосан, Германиянинг CASIB ташкилоти томонидан амалга оширилаётган CLIENT II дастури доирасида «Қорақалпоғистон Республикаси(Мўйноқ тумани)даги шўрланган ерларда қишлоқ хўжалик экинларининг мослаштирилган хомашёси (Apocinum/Кутра ўсимлиги) ёрдамида рекултивация қилиш ва пахтага муқобил равишда тўқимачилик қийматини яратиш» мавзусида 3 йиллик амалий лойиҳа бажарилиши кўзда тутилган. Ҳудуднинг мураккаб шароитига мослаштирилган, шўрга ва сув танқислигига бардошли «Apocinum» ўсимлиги экилади ва тўқимачилик саноатида пахта хомашёсига муқобил хомашё яратилади.

**Яна бир янгилик:** Орол денгизи қуриган манзилининг 6 та нуқтасида тажриба синови амалга оширила бошланди. Белгиланган манзилларда Биоорганик кимё институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Биосолвент» – шўрланган тупроқдаги тузларни самарали ювиш воситаси билан ишлов берилди. Шўрланишга қарши ушбу препаратни қўллаш орқали тажриба асосида тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилган 15 турдаги ўсимлик экилади ва тажриба синов ишлари олиб борилади.

Оролқумда экилаётган чўлга чидамли ўсимликларнинг унумдорлигини ошириш – куннинг муҳим вазифаларидандир. Маълумотларга кўра, ҳозирда унумдорлик 40 фоизни ташкил қилган. Дастлаб мутахассислар 20 фоиздан умид қилишган. Бу дегани, 100 гектар жойга экилган чўл ўсимликларининг 20 фоизи униб-ўсса ҳам катта натижа. Бугун эса бу кўрсаткич икки баробарга ортган.

**Яна бир маълумот:** Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси иштирокида БМТнинг Ўзбекистондаги тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ўтган йилдан бошлаб Орол денгизининг қуриган майдонларида, яъни ўрмонлаштириш тадбирлари олиб борилаётган синов участкаларида саксовул ўсимлигининг кўкарувчанлигини 80 фоизгача ошира оладиган янги инновацион технология қўлланилди.

Яъни сувда эрийдиган полимерларни ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи SNF компаниясининг Аквасорб 3005 (гидрогель) маҳсулоти саксовул экиш жараёнига татбиқ этилди. Мутахассисларга кўра, ушбу маҳсулот ўсимликнинг илдиз зонасида ва атрофида намликни сақлаб, сувдан фойдаланишни оптималлаштиради ва ўсимликларнинг ўсишини тезлаштиради.

Синов участкаларида экилган саксовулларнинг кўкарувчанлиги ўрганилиб, мониторинг ишлари олиб борилганда 1 литр сувга 10 грамм Аквасорб 3005 (гидрогель) маҳсулоти ишлатилган участкада саксовул ўсимлигининг кўкарувчанлиги 80 фоизни ташкил этгани аниқланган. Оддий экилган майдонларда эса натижадорлик 20 фоизни кўрсатган. Шу асосида бу амалиёт кенг жорий қилина бошланди.

ҲУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

# УЙЧИЛИКЛАР

## ТОМОРҚА БОБИДА ВИЛОЯТДА НАМУНА



**Уйчи туманидаги 56 та маҳалла фуқаролар йиғинида 220 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. «Соку» маҳалласи улар орасида алоҳида ажралиб туришининг боиси ҳудудда эътиборга молик ўзгаришлар рўй бераётганида. 815 та хонадондаги 920 та оилада яшаётган 3 100 дан ортиқ аҳоли вакиллари, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Йил бошидан буён 16 нафар «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди ва уларнинг 12 нафари рўйхатдан чиқарилди.**

**Санжарбек ҲАМИДОВ.**

Маҳаллада аҳоли саломатлигини доимий назорат қилиш мақсадида тиббий контейнер пункти ташкил қилинган. Унда тиббиёт ходимлари аҳолига малакали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундай тиббий пунктлар тумандаги 13 та фуқаролар йиғинида фаолият олиб боряпти.

Муҳаммадвали Отақўзиев – «Соку» маҳалласининг нуронийларидан бири. Отахон уйидаги 4 сотихли томорқадан унумли фойдаланмоқда. Полиз маҳсулотларини етиштириб, ортганини бозорга олиб чиқаётган хонадон соҳиби айни кунда ёнғоқнинг «карлик» навини етиштириб, йилига қўшимча 30 миллион сўм даромад топмоқда.

Маҳаллаларда намуна қилиб кўрсатишга арзигулик натижалар талайгина. Хусусан, туманнинг «Ҳожиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Элдор Консеров бир неча йилдан бери асаларичилик билан шуғулланади. У ўтган йиллар давомида юздан ортиқ шогирдлар етиштириб, ўз маҳсулотлари билан нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ном таратган. Йилига ўртача ҳисобда 75 миллион сўм атрофида даромад кўрмоқда.



Таъкидлаш жоизки, туманда бўш турган ернинг ўзи йўқ. Биргина «Қўрғонча» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 1 гектар ерга 300 минг туп терак қаламчалари экилди. Келгуси йилда улар кўчат сифатида сотилса, бир миллиард сўм атрофида даромад келтириши мумкин. Бу даромад, албатта, фуқаролар йиғини ихтиёрида қолади. Шу кунгача туман миқёсида 2 миллиондан ортиқ қаламчалар экилган.

Яна бир фуқаролар йиғини – «Навоий» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Камолиддин Нажмиддинов қисқа фурсатда тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган ёшларни бирлаштириб, уларни кичик бизнес соҳасида фаолият юритишларига эришди. Шукрулло Қаҳрамонов эса бўш турган бинода «Дилим-хоме-текстиль» кичик корхонасини ташкил этди. Натижада маҳалладаги 25 нафар ишсиз фуқаро доимий иш ва даромадга эга бўлди. Ҳозирда корхонада эркакларнинг мавсумий кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

«Хўжаобод» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Илҳомжон Тўхтамирзаев хонадонида кичик кулолчилик корхонасини ташкил этган. 15 йиллик иш тажрибасига эга Илҳомжон ака 20 турдаги чинни маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Ҳозирги кунда маҳсулотлар қўшни Қирғиз Республикасига экспорт қилиняпти, ички бозорда ҳам харидоргир. Маҳалланинг 12 нафар хотин-қизларини иш билан таъминлаган кулолнинг йиллик даромади 360 миллион сўмдан ошяпти.

Хуллас, тумандаги қайси бир маҳалла, қай бир хонадонга кирманг, аҳолининг ўз томорқаларидан унумли фойдаланиб даромад олаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

*– Бугун уйчиликлар томорқа бобида вилоятда намуна бўлмоқда,* ***– дейди Наманган вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Аҳмаджон Аълохўжаев.*** *– Сабаби улар деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ҳадисини олган. Бой амалий тажриба ва билимларидан унумли фойдаланилаётгани ютуқлар омили бўлмоқда. Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам келгусида бу каби тажрибаларни оммалаштириш орқали аҳоли ҳаётини янада фаровон бўлишига замин яратиш ниятидамиз.*

Дарвоқе, тумандаги маҳаллалар кўчаларини кузатар экансиз, барча ҳовлилар олдида сўритоклар борлиги, уларда узумлар барг ёзиб, ҳосил туга бошлаганини кўрасиз. Йўл бўйидаги мўъжаз гулхоналарга райҳонлар экилгани баҳри-дилингизни очади.



# ТИББИЁТИМИЗ ЮЗИГА ТУТИЛГАН ОЙНА: ЎЛИК БИЛАН ТИРИКНИ ФАРҚЛАЙ ОЛМАЙДИГАН ШИФОКОРГА ИНСОН ҲАЁТИНИ ИШОНИБ БЎЛАДИМИ?

**Мақсадбек ФАИЗ.**

*Куни кеча қишлоқдан уйимизга меҳмон келди. Ёшгина йигит – жияним. Исми Зафаржон. Афсуски, 30 ёшда беморлик ёпишган унга. Айни қирчиллама даврида ногирон бўлиб қолди. Тинимсиз шифокор назоратида даволаниб туради. Вилоятдаги даволовчи шифокорининг тавсияси билан йилда бир бор пойтахтда комплекс кўрикдан ўтади. Бугун ҳам шу мақсадда Республика юқумли касалликлар касалхонасига кўрикка келибди. Айрим ташхис натижалари эртага чиқади, дейишгани учун бизникида тунаб қолишди, алламаҳалгача гурунглашиб ўтирдик. Ҳар қанча мавзуни ўзгартирсак-да, суҳбат мавзуси барибир саломатлик, касалликлар ва бугунги тиббиётимиз ҳақидаги мулоҳазаларга тақалаверди.*

*У билан суҳбатлашяпману, бугунги тиббиётимизнинг биз билмаган томонларини кўра бошлаяпман. Эшитиб, олис қишлоқлардаги айрим ҳолатлардан даҳшатга тушади одам. Афсуски, мана шу каби «айрим» муаммолар барча вилоятларда бор. Масалан, ногиронларга даволаниш учун ажратиладиган «ордер» машмашаси, рўйхатдаги дориларни тақсимлашдаги қинғирликлар...*

*Жияним пойтахтга келишидан аввал Наманган вилояти кўп тармоқли касалхонасида даволанибди. Тошкентдан борган профессорлар ёзиб берган «Ритуксимаб» уколни вилоятдан топишнинг имкони бўлмаган. Тошкентдан топдик. Бир донасининг нархи 500 минг сўм экан. Энг муҳими, топилди. Бироқ кейинроқ ҳамширанинг айтгани ҳайратимизга сабаб бўлди. Аслида, бу уколдан шу касалхонада ҳам бўлган ва у «ордер»лик беморлар учун мутлақо бепул берилиши керак экан.*

*Суҳбатимиз давомида яна бир «сир»дан хабар топдим. Агар муомаласини қилмасангиз, ногиронлигингиз аниқ, вақтида даволанмасангиз, ўлишингиз мумкинлигини билса-да, масъуллар «ордер» муддатини чўзишавераркан. Аксинча, фалон минг сўм «қистирсангиз», ишингиз осон битаркан. Жиянимнинг шу гапларини тинглаяпману, ўлим ва ҳаёт остонасида курашаётган одамлардан пул олаётган ва шу маблағни фарзандларига едираётган «шифокор»лар кўз ўнгимда гавдаланяпти. Уларни нима деб аташга ҳам ҳайронсан одам.*

*Суҳбатимиз давомида вилоятларда тиббиёт ходимларининг малакаси ҳаминқадар экани ҳақида гаплашдик. Меҳмонларнинг айтишича, шу кунларда кўп беморлар жарроҳликдан сўнг қайта операцияга ётишга мажбур бўлаётган экан. Масалан, қўшнимизнинг 13 ёшли ўғилчаси шу каби бир ойда икки бор жарроҳлик столига ётибди. Биринчисида оддий кўричак бўлиб, 3 кунда уйга рухсат тегибди. Аммо уйга чиққач, аҳвол ёмонлаша бошлаган. Ҳарорат 38-39°С даражага кўтарилган. Муолажалар фойда бермаган. Ота-она амалиёт ўтказган жарроҳга учрашса, бизда муаммо йўқ, томоғи оғриб қолибди, деган. Яна бир кун ўтказиб, вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам марказига мурожаат қилишган. У ердаги мутахассислар боланинг ичида операциядан кейин нимадир қолганини тахмин этиб, қайта жарроҳлик столига ётқизишган. Чиндан боланинг ичидан жарроҳлик амалиётида фойдаланилган бинт бўлакчалари чиққан. Ачинарлиси, бу бинт бўлаги кўп туриш оқибатида ичакларни ҳам чирита бошлаган. Ҳозир бола яшаш учун курашмоқда...*

*Мана шу каби воқеаларга ишонишни-да, ишонмасликни-да билмай, иккиланиб турганимда, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий перинатал марказидаги воқеа тиббиётимиз юзига тутилган ойна бўлди.*

> **ЭНГ ЁМОНИ, НИМА БИЛАСИЗМИ, ЧАҚАЛОҚДА ТИРИКЛИК БЕЛГИЛАР АНИҚЛАНГАНДАН СЎНГ ҲАМ УНГА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМАСДАН, ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ ШИФОКОРЛАРИ ЧАҚИРИЛИБ, ЧАҚАЛОҚ ҚАЙТАРИБ БЕРИБ ЮБОРИЛГАН.**
> **ЯЪНИ ЧАҚАЛОҚ ЎЗ ВАҚТИДА ЗАРУР ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМАГАНИ ОҚИБАТИДА ВАФОТ ЭТГАН.**

*Ўқишнинг ўзи даҳшат. Наҳотки, олий маълумотли тиббиёт ходими тирик бола билан ўликни фарқлай олмаса? Бундай шифокорларга инсон тақдирини ишониб бўладими?*

*Маълумотларга кўра, ўлди деб «морг»га берилган чақалоқнинг кўкрак қафаси ёриб кўрилганда, унда ҳаётий белгилар аниқланган. Комиссион экспертиза хулосасида ўлимга патолого-анатомик тадқиқот мақсадида тирик чақалоқда ўтказилган анатомик кесма-жароҳат сабаб бўлгани кўрсатилган.*

*Энг ёмони, нима биласизми, чақалоқда тириклик белгилар аниқлангандан сўнг ҳам унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилмасдан, перинатал марказ шифокорлари чақирилиб, чақалоқ қайтариб бериб юборилган.*

*Яъни ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатилмагани оқибатида вафот этган. Чақалоқ ўлимига амалдаги стандартларга мувофиқ, реанимацион ёрдам-ўпканинг сунъий вентиляцияси, сурфактант ва лозим даражада қаров ўтказилмагани ҳамда патолого-анатомик тадқиқот мақсадида тирик чақалоқда ўтказилган анатомик кесма-жароҳат сабаб бўлгани, даво муолажалари ўтказилган тақдирда, чақалоқ ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлган.*

*Якунда бир савол қийнаяпти мени. Наҳотки, тиббиёт ходимларимиз шунчалар ўқувсиз ва малакасиз бўлса? Нега бу каби малакасиз тиббиёт ходимларига ишлаш учун рухсат беріляпти? Назаримда, муаммонинг илдизи аслида чуқурроққа боради. Яъни бугун ўлик ва тирикни фарқлай олмаётган, оддий кўричакни ҳам эплолмаётган шифокорлар кеча «бункер»дан чиққан «Х-вариант»чилар эмасми? Бугун ўлим тўшагидаги бемор қўлига қараб, бир нима илинжида турганлар кеча кимгадир узатган «пора»сининг ҳаққини чиқараётганлар эмасми?*

«БОЛА МЕНИКИ, ИШИНГИЗ БЎЛМАСИН»

ФУҚАРОЛАРИМИЗДАН БИРИ ҲАЖ САФАРИГА БОРИШ УЧУН ЙИҚҚАН ПУЛИНИ МАҲАЛЛА ИДОРАСИНИ ТАЪМИРЛАШ УЧУН САРФЛАДИ.



# «МЕНИ УРМАНГ, ОНАЖОН!!!»

**Ўтган ҳафтада жамоатчилик орасида кенг муҳокамалар мавзуси сифатида яна болаларга нисбатан зўравонлик, шафқатсиз муносабат бўй кўрсатди. Бунга Хўжайли туманида аёл ёш болаларини калтаклаб, хўрлаши акс этган тасвирларнинг тарқалиб кетгани сабаб бўлди. Тасвирлардаги аёл 3-4 ёшли фарзандларини ерга улоқтиради, ўта уятсиз, шарманда сўзлар билан ҳақорат қилади. «Ҳеч кимга кераксизсан», деб хўрлигини келтиради ва ҳоказо. Вазиятни кўрган ҳар қандай одамнинг кўнгли бузилиб кетиши турган гап. Масалага қатор давлат идоралари, туман ва вилоят ҳокимлиги, Олий Мажлис, тиббиёт муассасалари ҳам аралашди.**

**Улуғбек ИБОДИНОВ.**

Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Нурмуҳаммад Сапаев маълумотига кўра, қизалоқларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилган. Ҳозирда уларнинг саломатлиги қониқарли. Шифокорлар улар билан фаол мулоқотда бўлмоқда. Қизалоқлар онасидан ажратилиб, назоратга олинган. Ҳуқуқ органлари ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 110-моддаси 2-қисми «а,в» бандлари билан жиноят иши қўзғатган, гумонланувчи Х.Ф.га нисбатан процессуал чеклов чора белгилаш масаласи кўрилаётганини айтишган. Бешафқат онанинг ўзи қизларини калтаклашига эрининг Россияда ишлаётгани сабаб бўлганини билдирмоқда.

*— Қизларимни уриб видеога олганимнинг сабаби эрим Россияда эди,* ***— дейди у.*** *— Мен фарзандларим билан ёлғиз яшайман. «Укаларим келиб қарашиб туради» деган эди. Аммо улар келишмади. Орада ота-онам касал бўлиб, шок ҳолатида эдим. Қилган ишимдан пушаймонман. Эримнинг раҳми келиб қайтадими, деган умидда видеога олиб унга жўнатдим.*

Албатта, вазият юзасидан тегишли ташкилотлар хулосаларини беришади. Эҳтимол, мусофирчиликдаги эркак уйига қайтарилиб, ўзимизда муносиб иш билан ҳам таъминланар. Аммо бу каби вазиятлар ягона эмаслиги одамни хавотирга солмоқда. Ўз фарзандларини нафақат калтаклаш, балки сотиб юбориш, кўчага ташлаб кетиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

## БОЛАЛАР УСТИДАН ЗЎРАВОНЛИК КЎПАЙИБ БОРЯПТИМИ?

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида тез-тез болалар устидан зўравонлик, уларга турли — жисмоний, руҳий тазйиқлар ўтказилаётгани тўғрисида хабарлар муҳокама қилиняпти. Масалан, Ширин шаҳрида яшовчи вояга етмаган қизни ўгай онаси мунтазам хўрлаб келгани тўғрисидаги шов-шувлар бутун жамиятни ларзага солганди. Бола тинимсиз баданлари кўкариб кетгунича калтакланган. Ўгай она, ҳатто қизалоққа пичоқ билан дағдаға қилишгача бориб етган. Қизчанинг маҳалла идорасига, ҳокимлик, ички ишлар ходимларига қилган мурожаатлари узоқ вақт эътиборга олинмаган. Оддий қилиб айтганда, ўгай онанинг кўчада ўзини бинойидек тутиши, гўёки меҳрибон волидасидек ўйин кўрсатиши оқибатида ҳеч ким болага ишонмаган. Вазият оғир тан жароҳати, чуқур руҳий стрессга бориб етгандагина масъуллар масалага эътибор қаратишган.

Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Тошкентлик бир эркак тўрт ёшли қизини оилани ташлаб кетган онадан қасд олиш учун уриб, аёвсиз тепкилагани тўғрисидаги лавҳалар, икки болага ўлдириш билан дағдаға қилган она, Самарқандда олти ёшли ўғлини бўғиб ўлдирган ота, Қўқонда етти ёш ўғлини ўлдириб, бута ортига яшириб кетган ёлғиз она ва ҳоказо, санайверсанг, юрак эзилиб кетади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, оилада болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш учун аллақачон амалий саъй-ҳаракатга ўтиш фурсати етган.

## НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Айрим чет эл давлатларида, агар ота-она фарзандини урса, бола махсус идорага телефон қилиши, сўнг ўн дақиқа ўтмасдан уйга полиция, ижтимоий ҳимоя бўлимлари ходимлари, маҳаллий муниципалитет раҳбарияти етиб келиши ҳақида кўп эшитганмиз. Ҳолат ҳатто катталарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишгача бориб етиши мумкин. Шу боис одамлар болаларини тарбия нуқтаи назаридан шапатилаб қўйишга ҳам чўчишади. Зеро, оилада куч ишлатиш тўғрисидаги хабар ошкор бўлса, ота-онанинг тақдири ижтимоий ҳимоя бўлимлари ходимлари ваколатига ўтиб кетади.

Тўғри, ҳар бир миллат, ҳар бир жамиятнинг ўз ҳақиқати, тарбия усуллари бор. Бундан икки йилча илгари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ходимлари шунга ўхшаш тизимни Ўзбекистонда қўллаш, мамлакатда болалар омбудсмани ва унинг «Ишонч телефони»ни жорий этиш ташаббусини билдиришган эди. Ташаббус эътиборсиз қолмади ва шундай тизим йўлга қўйилди. Қоидага кўра, «Ишонч телефони» рақами болалар учун кўринарли бўлган ҳудудлар — боғчалар, мактаблар, лицей ва коллежлар, истироҳат боғларида осиб қўйилиши назарда тутилган. Телевидение орқали тарғиб қилиниши лозимлиги белгиланган. Аммо шунча пайт ўтибдики, болалар омбудсмани тарғиботини кенг тарқалганига гувоҳ бўлмадик. Шахсан ўзим пойтахтда туриб бирор марта ҳам болалар «Ишонч телефони» рақамлари осиб қўйилган жойга кўзим тушмаган. Мактаб, боғчаларда шундай рақам мавжуд ҳам дейлик, аммо муаммо шундаки, бола бу телефонга қўнғироқ қилиш керак эканини тушуниб етармикан?

*— Бошқа мамлакатларда ақли етяпти экан, нега бизнинг болалар буни тушунмаслиги керак,* ***— дейди психолог Зебо Аҳмедова.*** *— Албатта, тушунишади. Эътибор берсангиз, ҳозир болалар 4-5 ёшидан уяли алоқа воситаларидан фойдаланишни ўргана бошлашади. Бу ерда гап бошқа нарсада. Жараённинг болалар психикасига қандай таъсир ўтказишида. Яъни ўзбек оилаларида хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, тарбия жараёнида баъзан «енгил шапати» усули бор. Буни инкор қилиб бўлмайди. Қўнғироқ қилиб, кимнидир ота-онага қарши ёрдамга чақириш имкони эса болада жазосизлик туйғусининг кучайиб кетишига олиб кетиши мумкин. Ота-онанинг «авторитети»га зарарли таъсир ўтказиши эҳтимоли катта. Шу боис бу тажрибани амалиётга жорий этаётганда тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш лозим. Қўпол зўравонликни нозик тарбиядан ажратиб олиш керак. Менимча, бу борада ота-оналар тарбиясига кўпроқ эътибор қаратиш лозим.*

**ЗЎРАВОНЛИК БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ, УЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ВА ИЖТИМОИЙЛАШУВ ҚОБИЛИЯТИНИ ПАСАЙТИРАДИ, ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТДАН СОҒЛОМ ВОЯГА ЕТИШИШЛАРИ ВА ЯХШИ ОТА-ОНАЛАР БЎЛИБ ШАКЛЛАНИШЛАРИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАДИ.**

## ОМБУДСМАН ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

*— 2021 йилда Болалар омбудсмани номига бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисида 182 та мурожаат келиб тушган,* ***— дейди Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича Вакил маслаҳатчиси Фотима Мадраҳимова.*** *— Натижада 123 та сўров давлат ташкилотларига юборилди. Болалар омбудсмани томонидан ёпиқ, шахслар ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган муассасаларда 31 та мониторинг ўтказилди. Мониторинглар 6 та ҳудудда — Самарқанд, Навоий, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилиб, 600 нафарга яқин фуқаро билан учрашилди. 150 нафарга яқини билан якка тартибда суҳбатлашилди.* Хўжайлида содир бўлган воқеага келсак, биз воқеа маълум бўлиши билан жиддий ҳаракатларни бошлаганмиз. Қандай чоралар кўрилаётганини назорат қилиб боряпмиз. Ҳозирда онага нисбатан жиноий иш қўзғатилгани ҳақида маълумот берилди. Лекин шу билан бирга, ҳеч нарса ота-оналар томонидан болаларга нисбатан зўравонликни оқлай олмаслигини ҳам таъкидлаймиз. Зўравонлик нафақат болаларнинг омон қолиши ва соғлиғига, балки уларнинг ҳиссий фаровонлиги ва келажак истиқболларига ҳам таҳдид солади. Агар бола эрта ёшда, тана ва мия ривожланишининг муҳим босқичида зўравонликни бошдан кечирган ёки гувоҳи бўлган бўлса, салбий оқибатлар қайтарилмас бўлиши мумкин. Зўравонлик болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига таъсир қилади, уларнинг таълим олиш ва ижтимоийлашув қобилиятини пасайтиради, психологик жиҳатдан соғлом вояга етишишлари ва яхши ота-оналар бўлиб шаклланишларига тўсқинлик қилади. Омбудсман бу каби ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги ҳаракатларда собитдир.

## «БОЛА МЕНИКИ, ИШИНГИЗ БЎЛМАСИН»

Дарҳақиқат, болалар устидан зўравонликнинг олдини олишда айнан ота-оналар тарбияси муҳим омил экани шубҳасиз. Бу борада маҳалла раислари, маҳаллий ҳокимликлар алоҳида иш олиб боришлари лозим.

*— Айрим ҳолларда кўча-кўйда, жамоат жойларида боласини беайб турткилаётган оналар, оталарга кўзим тушиб қолади,* ***— дейди Қумқўрғон туманидаги «Бўстон» маҳалласи раиси Шокир Мамашаев.*** *— Дакки берсак, «бола меники, сизнинг ишингиз бўлмасин », деган жавоб эшитамиз. Аммо бола биргина ота-онаникимикан? Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақл бежизга айтилмаган. Туғилган ҳар бир гўдакда ўша маҳалла, одамлар, жамият, миллат, давлатимизнинг ҳам ҳаққи бор. Ҳаққи ҳам бор, мажбурияти, бурчи ҳам бор. Болани ҳамма ҳимоя қилади. Қонун ҳам. Ёш ота-оналарга шуни яхшилаб тушунтириб қўймоқ лозим.* Бизнинг-ча ҳам, болалар устидан зўравонликнинг олдини, олиш борасида, асосан, маҳалла фаоллари, маҳаллий ҳуқуқ идоралари кўпроқ ишлаши керак. Қўни-қўшни, танишларнинг лоқайдлигини бартараф этмоқ, масалага жамоатчилик фикрини шакллантирмоқ зарур.

**БИЛАСИЗМИ?**

**Болаларни қийнаш қандай жазоланади?**

**Давлат болани зўравонликнинг барча шаклларидан, шу жумладан жисмоний, руҳий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол, инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан ҳимоя қилади. Болаларга нисбатан зўравонлик қилиш унинг ҳуқуқий оқибатларига кўра маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.**

**Шунингдек, болаларни муттасил равишда қийнаш 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

# ҲАЖ САФАРИ УЧУН ЙИҒИЛГАН ПУЛГА ИДОРА ТАЪМИРЛАНДИ

**Маҳалламиз XV асрда тақир қир устида ташкил топган. Шу боис номи «Хўроба» — сувга зор, деган маънони билдиради. Одамларимизнинг айтишича, сувсизликдан қийналган аҳоли Қўқон хони ўтказаётган кураш мусобақасига Мирзашариф исмли полвонни жўнатишади. Барча рақибларни енгиб, ғолиб бўлган полвон совринига қишлоққа сув тортилишини сўраган. Ҳукмдор миробларга Шохимардонсойдан катта ариқ қазиб, қишлоқликларни сув билан таъминлашни буюради. Шу боисми, бизда ҳеч қачон сув муаммоси бўлмаган.**

**Шоиржон МАМИТАЛИЕВ,**
**Фарғона туманидаги «Хўроба» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Аммо аҳолининг кўпайиши, «катта ариқ» бўйида асрлар мобайнида аста-секин янги қишлоқлар бунёд этилгани, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши натижасида 2000 йиллардан бошлаб, суғориш ва ичимлик сувидан қатор муаммолардан аҳоли азият чека бошлади. Ўтган йили ҳудудимиздан катта қудуқ қазилгани мазкур муаммони ҳал этди. Ҳозирда деярли 100 фоиз аҳоли хонадонларига узлуксиз ичимлик суви қувурлари кириб борган.

Маҳалламизда бошқа қатор хайрли ишлар ҳам давом этмоқда. Масалан, фуқароларимиздан бири Ҳаж сафарига бориш учун йиққан пулини маҳалла идорасини таъмирлаш учун сарфлади.

**Таклифим:** тизимга раҳбар кадрларни тайинлаётганда алоҳида имтиҳондан ўтказишни йўлга қўйиш керак. Бу муомала маданияти, қонунчилик бўйича билимлари ва бошқаларни қамраб олсин. Шунда тизимга тасодифий шахслар келиб қолишининг олди олинган бўларди.

# МОҲИЯТ

ЗИДЕ… ДАН БУЁН, ҲАР ГАЛ МАҲАЛЛАЛАРГА БОРГАНИДА, …ТТА, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАҚИДА ГАПИРАДИ. | ЯНГИ ТИЗИМ БИЛАН КЎЧАДАН БОШЛАНГАН ДЎСТЛИК МУҲИТИ МАҲАЛЛА, ТУМАН, ВИЛОЯТ ВА МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАВЕРАДИ.



# ҲАҚИҚИЙ ЧЕМПИОНЛАР МАҲАЛЛАДА УЛҒАЯДИ

**Кўпчилик жисмоний тарбия ва спортни битта тушунча, деб ўйлайди. Бироқ улар мазмун-моҳияти билан бир-биридан фарқ қилади. Яъни спорт — унинг маълум бир тури билан мунтазам, профессионал даражада шуғулланиш, халқаро миқёсда ютуқларга эришиш бўлса, жисмоний тарбия — кўпроқ аҳоли соғлиғи учун фойдали машғулотларни қамраб олади.**

**Содиқ АБДУРАСУЛОВ.**

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб этиш борасида кейинги йилларда муайян вазифалар бажарилди. Жумладан, маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар атрофида «Саломатлик йўлаклари», спорт майдончалари қурилди, таълим муассасаларида спорт тўгараклари очилди, мактаб-интернатлар иш бошлади. Мактаблардаги спорт залларида аҳолининг спорт билан шуғулланиши учун имкониятлар яратилди.

Бугун қайси маҳаллага кирсангиз, спорт майдончалари борлигига ёки қурилаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳар куни қаердадир оддий аҳоли, ҳаваскор ва профессионал спортчилар ўртасида мусобақалар, спорт тадбирлари ташкил этилаётгани ҳақида хабарларни ўқишингиз мумкин. Оммавий югуриш, тўрт-беш минг қадам пиёда юриш, веломарафонлар ўтказиш, мусобақаларда оилавий иштирок этиш яхши анъана тусини олди. Бугун оилавий спорт сайрига чиққан, фарзандларини, набираларини етаклаб спорт тўгаракларига қатнаётган кишиларни кўп учратамиз. Бир сўз билан айтганда, спорт биз учун қалб эҳтиёжи, руҳий кайфият тантанасига айланди.

## ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРИШДА СПОРТДАН КУЧЛИ ВОСИТА ЙЎҚ

Президентимиз олти йилдан буён, ҳар гал маҳаллаларга борганида, албатта, соғлом турмуш тарзи ҳақида гапиради. Ёшу қарини тўғри овқатланиш, эрталаб ва кечқурун пиёда юришга чорлайди. Секин-аста манзара ўзгариб борди — одамлар онгли равишда ҳаракатга кела бошлади, жисмоний тарбия ва спорт кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бизни хурсанд қиладигани — юртдошларимиз қалбида ҳаётга иштиёқ кучайди, зўр ғайрат жўш ура бошлади, яшаш тарзимиз ўзгарди.

Шунга монанд зарур шарт-шароитлар ҳам яратилди. Жумладан, **сўнгги уч йилда 118 та спорт мажмуаси, маҳаллаларда 7 мингта спорт майдончаси** фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда 3 минг 500 та мини-футбол, 6 мингта баскетбол, волейбол, 663 та бадминтон майдони, мингдан ортиқ фитнес заллари мавжуд. Ҳар бир туман ва шаҳар марказларида «Саломатлик йўлаклари» ва велосипед йўллари ташкил этилди. 2021 йилда оммавий спорт тадбирларига **аҳолининг 26,7 фоизи** жалб қилинган бўлса, 2022 йил якунига қадар ушбу кўрсаткични **33 фоизга етказиш** режалаштирилган. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида 2,8 миллионга яқин иштирокчи спорт мусобақаларига қамраб олинган.

Маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 11 апрелдаги **«Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** қарори қабул қилинди. Ҳужжат билан оммавий спортни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

> **АКСАРИЯТ ЧЕККА МАКТАБЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ СПОРТ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ УЧУН ЕТАРЛИ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМАГАН. ҚАЙСИДИР МАКТАБДА СПОРТ ЗАЛИ ЙЎҚ, ҚАЙСИДАДИР ИНФРАТУЗИЛМА ЯХШИ ЭМАС, ЯНА БОШҚАСИДА ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМАГАН.**

Қарорга мувофиқ, 2022 йилдан бошлаб, футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, стритбол, воркаут турлари бўйича **беш босқичли оммавий спорт мусобақалари,** олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича **умумреспублика спорт мусобақалари** ўтказилади. Беш босқичли мусобақалар ўз номи билан аҳамиятли. Кўчалараро маҳалла, маҳаллалараро сектор мусобақалари, унда ғолиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида туман (шаҳар), кейин вилоят, ниҳоят, маҳалла жамоаларининг республика беллашувлари ташкил этилади. Уч босқичли мусобақалар ҳам худди шу руҳда давом этади. Энг яхши натижа кўрсатган ёшлар туман ва шаҳар, вилоят ҳамда миллий терма жамоалар таркибига саралаб олинади.

Энди бу тизимнинг аҳамияти ҳақида ўйлаб кўрайлик. Битта кўчада яшаётган ёшлар *(бу гап асосан шаҳар муҳитига тегишли)* бир-бирини танимаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Уларни бирлаштириш, дўст қилиш учун спортдан кучлироқ восита йўқ. Янги тизим билан кўчадан бошланган дўстлик муҳити маҳалла, туман, вилоят ва мамлакат бўйлаб мустаҳкамланиб бораверади. Бу — шу йилларда Ўзбекистон яхлит дўст оилага, эзгу мақсадлар, Ватан келажаги йўлида бирлашган ёшлар маконига айланади, дегани. Ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат бор жойда барака бўлишини ҳаммамиз биламиз.



## ЭНДИ ҲАР БИР МАКТАБДА ТЎГАРАК БЎЛАДИ

Ҳужжатга мувофиқ, маҳаллаларда оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳар бир масъулнинг иш фаолиятини тўлиқ баҳолашга қаратилган **рейтинг тизими** жорий этилади. «Қониқарсиз» деб топилган жойларга таниқли мураббий ва спортчилар бириктирилиб, **мотивацион учрашувлар** ташкил этилади. Бу чекка-чекка туманларда ҳам оммавий спортни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, тан олиш керак, айрим ҳудудларда оммавий спорт тадбирлари оқсаб қолган, ҳатто йилда бир марта спорт мусобақалари ўтказилмайдиган манзиллар ҳам бор. Мотивацион учрашувлар орқали эса ёшларнинг спортга қизиқиши ортади.

Яна бир муҳим жиҳат — маҳаллалардаги ёшлар етакчилари кўмагида 2022 йил якунига қадар **6 миллион нафар ёшларнинг** оммавий спорт тадбирлари билан қамраб олиниши таъминланади. Мусобақаларни намунали ташкил этган **ёшлар етакчилари** ва бошқа масъул шахслар учун ўқув семинарлари ўтказилиб, уларга махсус сертификатлар берилади. Қолаверса, маҳаллаларда мусобақаларни намунавий ташкил этган ёшлар етакчилари **рағбатлантириб борилади.**

Оммавий спорт ҳақида гап кетганда, яна бир оғриқли жиҳат кўзга ташланади. Яъни бугун аксарият чекка мактабларда ўқувчиларнинг спорт турлари билан шуғулланиши учун етарли шароитлар яратилмаган. Қайсидир мактабда спорт зали йўқ, қайсидадир инфратузилма яхши эмас, яна бошқасида тўгараклар фаолияти йўлга қўйилмаган. Бундай камчиликлар билан эса спортни ривожлантириб бўлмайди. Айтиш кераки, Президент қарорида айни жиҳатга ҳам эътибор қаратилиб, **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб**, мактабларда ўқувчиларнинг қизиқишлари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, **камида 1 та спорт тури бўйича тўгараклар фаолияти** ташкил этилади. Ҳар бир мактабда **футбол, баскетбол, волейбол, гандбол ва бошқа жамоавий ўйин турлари** бўйича **жамоалар** тузилиб, мунтазам мактаб жамоалари ўртасида мусобақалар ўтказилади.

Бундай тизимнинг йўлга қўйилиши ўқувчиларга етарли шароит яратиш билан бир қаторда, терма жамоаларга иқтидорли ёшларни саралаб олиш имконини ҳам беради. Зеро, тан олайлик, бугун селекция масаласи жуда долзарб бўлиб турибди. Шу пайтгача селекция ишлари қандай амалга оширилган? Очиғи, умидли деб топилган иқтидорлилар отаси қўлидан етаклаб спорт секциясига олиб келган болалар ичидан танланган. Аслида эса, селекционерларнинг вазифаси қишлоқма-қишлоқ юриб, уйма-уй кириб туғма истеъдодларни топишдир. Эндиликда ана шу вазифани оммавий спорт мусобақалари ҳам маълум маънода ўтаб беради.



*Қарорга асосан, юқорида белгиланган ишларни тизимли йўлга қўйиш бўйича Спортни ривожлантириш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлигига аниқ вазифалар белгилаб берилди. Тузилмаларнинг қайси ўринда қайси иш билан шуғулланиши ҳижжалаб тушунтириб берилди. Ўз навбатида, айни жараёнда маҳаллалар зиммасида ҳам муҳим вазифалар бор. Яъни эндиликда маҳалла фаоллари нафақат ёшларни, балки нуронийларни, ўрта авлод вакилларини, аёлларни, умуман, барча йиғин аҳлини оммавий спортга жалб этишда бош-қош бўлишади.*

*Сирасини айтганда, юқоридаги мусобақалар шу йилдан бошлаб ёшлар ўртасида ўзига хос катта спорт байрамига айланиб кетиши, уларни ўтказишни интиқ кутиши, ҳали бу тизимга дунё ҳавас билан боқишига ишончимиз комил. Бундай дейишимизга асос шуки, қарорда мусобақаларнинг молиявий манбаси аниқ кўрсатилган. Шундай экан, механизм сўзсиз ишлайди.*

---

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

# «ҚОҒОЗБОЗЛИКНИ ТУГАТИБ, РАҚАМЛАШТИРИШ ТИЗИМИГА ЎТИШ ЗАРУР...»



**Қадимда маҳалламиз ҳудудида аҳоли кулолчилик билан тирикчилик қилган. Кексаларнинг айтишича, бизда ишланган сопол кўза, хум, пиёла, лаган ва бошқалар карвонларга юкланиб, Қўқон, Марғилон, Тошкент шаҳарларига сотилган экан. Савдогарлар ҳар йили маълум мавсумларда келишган. Натижада одамлар бойбадавлат яшаган.**

**Неъматжон РАҲМОНОВ, Бешариқ туманидаги «Кулолобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Афсуски, ҳозирда бу ҳунар буткул унутилди. Фарғона водийсининг кулолчилик маркази Риштон шаҳрига кўчди. Одамларимизнинг асосий машғулоти эса янада даромадлироқ бодомчилик ва паррандачиликка алмашди. Бизда 4 минг нафарга яқин аҳоли, 651 та хонадон бор. Уларнинг деярли барчаси томорқасида бодом боғлари ташкил қилган. Шахсан менинг ҳовлимда 60 туп юмшоқ пўчоқли, халқ тилида «Ҳоқон» деб номланадиган бодом дарахтлари бор. Ўртача 150 килогача ҳосил оламан. Сотиш баҳомиз 70-80 минг сўм атрофида. Бизда 500-600 килогача бодом йиғиштирадиганлар ҳам кўп.

Шу билан бирга, иссиқхоначилик ҳам ривожланиб боряпти. Ҳозирда 18 та хўжаликда иссиқхоналар бор. Бодринг, помидор, кўкатлар, лимон етиштирадиганлар кўпчиликни ташкил этади.

20 та хўжалик паррандачилик билан шуғулланади. Ҳудудимизда умумий ҳисобда 20 минг дона товуқ парваришланмоқда. Юртимиз бозорларига ҳар куни 15 минг донадан кўпроқ тухум етказиб берамиз. Юқоридагилар боис меҳнат миграцияси масаласи бизни кўп ҳам безовта қилмайди. Одамларимиз қимирлаган, ҳаракат қилган ўзимизда ҳам бемалол тирикчилик қилиши мумкинлигини яхши англашади. Икки йилдан буён ажралишлар кузатилмади.

> **ТАКЛИФИМ: МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ ЗИММАСИДАГИ ҚОҒОЗБОЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ КЕРАК. ФАОЛИЯТНИ ИМКОН ҚАДАР РАҚАМЛАШТИРИШ, ЭЛЕКТРОНЛАШТИРИШ ЛОЗИМ. БУТУН ДУНЁ БАРЧА СОҲАЛАР АНА ШУ ТИЗИМГА ЎТЯПТИ. КЕРАК БЎЛСА, ШУ МАВЗУДА РАИСЛАР, ФАОЛЛАР УЧУН ЎҚУВЛАР, СЕМИНАРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНСА, МАҚСАДГА МУВОФИҚ БЎЛАРДИ.**

Mahalla
**Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси**
МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**
«Mahalla» газетаси муҳаррири
**Санжар ИСМАТОВ**
Нашр навбатчиси:
**Улуғбек ИБОДИНОВ**
Саҳифаловчи:
**Абдулазиз АҲМЕДОВ**

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчами — 350x587, 4 босма табоқ. 5000 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-418 1 2 3 4 5 6
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.